

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O‘RTA-MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO MUHANDISLIK-TEKNOLOGIYA INSTITUTI  
“O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI”  
“XORIJY TILLAR” KAFEDRALARI**

**“ALISHER NAVOIY MA‘NAVIY MEROSI – UMUMINSONIY  
QADRIYATLAR SARCHASHMASI”**

**mavzusidagi**

**XALQARO MASOFAVIY ILMIY-SEMINAR  
MAQOLALAR TO‘PLAMI**



**BUXORO -2022**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O‘RTA-MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO MUHANDISLIK-TEKNOLOGIYA INSTITUTI  
“O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI”  
“XORIJY TILLAR” KAFEDRALARI**

**“ALISHER NAVOIY MA‘NAVIY MEROSI – UMUMINSONIY  
QADRIYATLAR SARCHASHMASI”**

**mavzusidagi**

**XALQARO MASOFAVIY ILMIY-SEMINAR  
MAQOLALAR TO‘PLAMI**



**BUXORO -2022**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ  
КАФЕДРА УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ  
КАФЕДРА ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**СБОРНИК СТАТЕЙ  
МЕЖДУНАРОДНОГО ДИСТАНЦИОННОГО НАУЧНОГО  
СЕМИНАРА  
по теме**

**"ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИШЕРА НАВАИ - ИСТОЧНИК  
ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ"**



**БУХАРА-2022**



## MUNDARIJA

| F.I.Sh.                         | Maqola nomi   | Bet |
|---------------------------------|---|-----|
| Kenan Koch.                     | Элишер Навои  | 10  |
| Olim S.                         | Alisher Navoiy – davlatshunos   | 21  |
| Мадаева Ш.О.                    | Алишер Навоий фалсафасида космологик онтология тамойиллари  | 33  |
| Hayitov Sh.                     | Nazm – ijodkor qalbining tarjimasi  | 39  |
| O'raeva D., O'raeva G.          | Alisher Navoiy g'azallarida til odobiga oid tushunchalarning iboralar orqali ifodalanishi                               | 45  |
| Quvvatova D., Sharipova R.      | Alisher Navoiy she'riyatida shamol obrazi talqini   | 51  |
| G'afforova Z.                   | Navoiy "Hayrat ul-abror"ida rostlik targ'ibi  | 54  |
| Rajabova M.                     | Alisher Navoiyning "Nasoyim ul - muhabbat" asaridagi tushlarga doir mulohazalar   | 59  |
| Yunusova G., Samiev A.          | Hazrat Mir Alisher Navoiy ijodida o'zlikni anglash g'oyasi  | 68  |
| Rajabova R.                     | Navoiy ijodida folklor namunalari   | 72  |
| Tadjiev X.                      | Navoiy va o'zbek adabiyotida arba'in janri  | 77  |
| Казимова Г.                     | Один из гениев узбекской литературы средних веков - Алишер Навои  | 80  |
| Sulaymonova D.                  | Important aspects of the work of the representatives of the lake school   | 86  |
| Sohibova Z.                     | G'am hazonin zohir etmish chehrai zardim mening   | 94  |
| Асрарова М., Джураев Ф.         | Воспитание нравственных качеств личности на примере творчества Алишера Навои  | 98  |
| Камалова Д.                     | Алишер Навои – гордость Узбекского народа   | 103 |
| Баратова М., Джураев М.         | Вопросы личности автора и буквалной текстуры  | 106 |
| Баратова М.                     | Философские основы художественно-эстетических взглядов Алишера Навои  | 113 |
| Ахмедова Г., Жураев А.          | Алишер Навои - честь Узбекского народа  | 118 |
| Fayzieva M., Kudratova K.       | Alisher navoiy asarlarida ona timsoli talqini   | 122 |
| Караматова З.                   | Бесценный дар, оставленный предками   | 125 |
| Karamatova Z., Rasulova N.      | Interpretation of the women's image in Alisher Navoi's works  | 129 |
| Mamedova M., Toshev Sh.         | Ascetic lifestyle of A. Navai   | 132 |
| Niyazova M., Oromova M.         | Interpretation of Sabai Sayyor epic poem in Khamsa  | 136 |
| Norova M., Norova M., Norova F. | Life and work of Alisher Navoi, the founder of the uzbek literary language and literature, poet, scientist and educator | 139 |
| Odinayeva N., Hamitova S        | Alisher navoiy asarlarida o'zlikni anglash g'oyasi.   | 144 |
| Kurbonov A., Choriev G'.        | The study of Alisher Navoi's heritage begins with the study of his life and creative way                                | 149 |
| Kurbonov A.                     | The study of Alisher Navoi's literary heritage is in the eyes of scholars   | 153 |
| Safarova Z. Tursunova Ch.       | Ancestor of the uzbek literary language   | 158 |
| Saidova Z.                      | Reflection of humanity, active entrepreneurship and innovative ideas in Alisher Navoi's works                           | 163 |
| Саломова М., Зохинова А.        | Философско-эстетическая сущность в поэзии   | 166 |

## **АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ШАМОЛ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ**

**Дилрабо Қувватова, БухДУ профессори, ф.ф.д.**

**Раҳима Шарипова, НавДПИ ўқитувчиси**

**Аннотация:** мақолада Алишер Навоий шеърлятида шамол образи, унинг рамзий-тимсолий маънолари таҳлил этилган. Шу шихатдан шамолнинг ошиқ рухий ва ҳиссий ҳолатига мувофиқ қўллаганлиги асосланган.

**Калит сўзлар:** тимсол, лирик қаҳрамон, шамол, сабо, шабада, тамсил, анъана, тадриж.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий шеърлятида ҳар бир бадий тимсол лирик қаҳрамон кайфияти ва руҳиятини акс эттириб келади. Жумладан, шамол образи бир қатор маъно товланишларига эгалиги билан ажралиб туради. Унинг қуйидаги газали бу жиҳатдан эътиборни тортади:

Кўп, эй боди сабо, жонон сари эс,  
Масих анфоси янглиг жон сари эс.



Анинг куйида қил арзи ниёзим,  
Даме ул равзаи Ризвон сари эс.<sup>4</sup>

Ишқ мавзусидаги бу ғазалда боди сабо – тонг шабадасига мурожаат мазмуни устувор. Маълумки, халқ лирикасида шамол маъшуқага хабар элтувчилик вазифасини бажаради. Бунда ҳам шу анъана сақланган. Тонг шамоли жононга ошиқ кечинмаларини етказиши керак. Талмеҳнинг гўзал намунаси сифатида “Масиҳ анфоси” Исо пайгамбарнинг ўликни ҳам тирилтирувчи нафасига ишорадир. Байт мазмунидан шабаданинг майин эпкинлари маъшуқа юзини Исо нафаси янглиг силаб ўтсин, деган фикрни англаш мумкин. “Равзаи ризвон” бунда суюкли ёр тимсолини ифодалаб келади. Кейинги байтларда ҳам шу фикр ривожлантирилади. “Лолаю райҳон” ҳам маъшуқани билдириб келади.

Даме гул бирла сунбул хайлидин ўт,  
Замоне лолаю райҳон сари эс.  
Чу ул гулшандин ўлдунг руҳпарвар,  
Ёниб бу кулбаи аҳзон сари эс.  
Исидин бер танимга рух, яъни  
Ки бу фарсудаи ҳижрон сари эс.  
Фано даштида, эй ҳижрон самуми,  
Қуюн янглиг бу саргардон сари эс.  
Навой чун ўлар, сарсари ох,  
Бузуглиг қилғали даврон сари эс.<sup>5</sup>

Лола ва райҳон гуллар орасида энг чиройлиси ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мумтоз адабиётда ёр жамоли айни шу гулларга ўхшатилади. Юқорида ҳам шоир сабога мурожаат қилар экан, гул-у сунбул ёнидан ўтиб, лола-ю райҳон томон, яъни маъшуқам томон эсгин, чунки сен бу гулшан тугайли руҳландинг, энди бор ишқинг билан ёниб шу ақл-у фазл кулбаси томон эсгин деб айтяпти. Шунингдек, лирик қахрамон ҳижроннинг жон

<sup>4</sup> Alisher Navoiy. *Xazoyin ul-maoniy. Favoid ul-kibar.* -TAMADDUN TOSHKENT 2011 y. 779 b-235

<sup>5</sup> Alisher Navoiy. *Xazoyin ul-maoniy. Favoid ul-kibar.* -TAMADDUN TOSHKENT 2011 y. 779 b-235



Ўртагувчи самуми – шамолига ёлвориб, бу эски хижрон сари эсгин-у танимга исидин рух бергин, йўқлик даштида қуюн каби саргардон эсгин ва Навоийнинг хижрондан ҳалок бўлишини элга ошкор қил, дея нидо қиляпти. “Хижрон самуми” истиораси хижрон оташида ёниб-қуяётган ошиқ изтиробини кучайтиришга хизмат қилган. Чунки хижрон дашти ҳам, самум шамоли ҳам иссиқ. Навоий ўлим сўзи билан ёнма-ён ишлатган сарсари сўзи эса совуқ шамол маъносини билдириб, жонсиз жасаднинг совуқлиги билан маъновий бутунлик ҳосил қилган. Шоирнинг маҳорати шамол турларини ошиқ рухий ва хиссий ҳолатига мувофиқ қўллаганида кўринади. Яна бир газалида шундай мутаносибликни кўрамыз:

Жунун эли шахимен, тоғ авжи тахтимдек,  
Куш ошиёнлари бошимнинг афсари (тож) янглиғ.  
Ғанимат англа вафо булбулингга, эй гулким,  
Хазон ели етишур ҳажр сарсари янглиғ.<sup>6</sup>

Бунда шоир ўзини мажнун элига шох деб атаб, тоғни тахтга, куш ошиёнларини бошидаги тожга ўхшатади. Истиора билан ёри – “тул”га юзланар экан, булбулингга вафо қилишни ғанимат билгин, чунки кузнинг салқин шамоли қишнинг совуқ шамолига уланади, бунда ишқим кузнинг салқин шамолида хазон каби учиб юрса ҳам, у қишнинг совуқ хижрон шамолига дош беролмайди, деган мазмун англашилади.

Эмас бошимдин аёқ ох дуди бирла қора,  
Фироқ дашти самумида буйла чуркандим.<sup>7</sup>

Самум – иссиқ шамол, гармсел. Яна бир байтда самум шамоли ошиқ ҳасратини кучайтириш воситаси сифатида келтирилади. Байтда ошиқ бошдан оёқ оҳим дуди билан қорага бурканмаган бўлсам-да, фироқ дашти алангаси – самумида бутунлай ёндим, дейди.

Ўртаса ишқ мени, сўрма сабаб:  
Куйса хошок ёлиндин, не ажаб.<sup>8</sup>

<sup>6</sup> Alisher Navoiy. Xazoyin ul-maoniy. Favoid ul-kibar. -TAMADDUN TOSHKENT 2011 y. 779 b-301

<sup>7</sup> Alisher Navoiy. Xazoyin ul-maoniy. Favoid ul-kibar. -TAMADDUN TOSHKENT 2011 y. 779 b-414

<sup>8</sup> Alisher Navoiy. Xazoyin ul-maoniy. Favoid ul-kibar. -TAMADDUN TOSHKENT 2011 y. 779 b-562

Тасаввуфий мазмун ифодаланган бу байтда ёл – чакмоқ, ёлқин ошиқ ҳолатига параллел қўлланмоқда. Яъни ишқ мени ўртаганига сабаб сўрама, чунки сомон чакмоқдан куйса ажабланарлимас-ку, дейилмоқда. Шоир тамсил орқали ошиқ ҳиссий ҳолатини яққол ифодалашга эришган.

Чу мен туфроғ бўлдим кўйида, эй сарсари хижрон,  
Эсиб ул ён дамо-дам туфроғимни боре совурма.<sup>9</sup>

Сарсар – совуқ шамол. Алишер Навоий мисралар орқали сарсари шамолнинг совуқлиги маъносидан эмас, унинг кўпроқ сарсон-саргардон кезиши маъносидан ижодий фойдаланиб, ёри хижронида тупроққа айланган ошиқнинг хоқини ҳар ёнга сочавермаслигини ўтинади.

Юзунг шавқида оҳимдин булутларга туташмиш ўт,  
Саҳоб эрмас қуёшнинг партавидин ҳар тараф гулгун.<sup>10</sup>

Саҳоб – булут, партав – ёғду. Юқоридаги байтда юзинг иштиёқида оҳимдан булутларга ўт туташди ва булутларни парчалаб юборди, шунинг учун ҳам энди булут йўқ, қуёшнинг нуридан ҳамма ёқ гулгун, дейилади. Бунда қуёш ёр юзига ўхшатилиб, унинг оламини мунаввар айловчи чехраси назарда тутилган.

Кўринадики, Алишер Навоий шеърларида самум, сарсар тарзида қўлланган шамол образи лирик қаҳрамон – ошиқнинг турли руҳий ҳолатларини ифодалаб келган ва тасаввуфий мазмун касб этган.